

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚКАН ЖОЙ  
НОМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
МУҲОФАЗАСИ**

**НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ТҮПЛАМИ**

**Тошкент-2003**

67.404.3


Ўзбекистон Республикасида товар келиб чиққан жой номларининг  
хукуқий муҳофазаси. ЎзР ДПИ, 2003 - 56 бет

Тузувчилар: т.ф.д. Азимов А.А., Ермолаева В.В., Данилов И.В.

Тўпламда Ўзбекистон Республикасида товар келиб чиққан жой номларини хукуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва «Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказишига доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қоидалари» каби норматив ҳужжатлар киритилган. Бундан ташқари, тўпламда товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ патент божларининг рўйхати ва миқдорлари келтирилган.

Тўплам тадбиркорлар ва хўжалик субъектларининг раҳбарларига, истеъмолчилар, ҳуқуқшунослар, патентшунослар ва ҳар кунлик амалий фаолияти интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ва уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган барча шахслар учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат  
патент идораси, 2003  
© Азимов А.А., Ермолаева В.В., Данилов И.В., 2003



## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни мұваффақиятли ўтказиш кўпти на омилларга, жумладан ушбу жараёнга товар келиб чиқсан жой номлари каби саноат мулки объектларини фаол жалб этишга боғлиқ.

Товар келиб чиқсан жой номи (ТКЧЖН) – бу товарлар массаси орасида алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни ажратиш учун хизмат қила-диган белгидир. Ушбу белгилар истеъмолчилар онгида товарнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг келиб чиқсан жой номи ўртасида мустаҳкам боғлик-ликни пайдо бўлишига таъсири этади.

ТКЧЖН истеъмолчига товарларни ажратиш, уларни танлашда вақтни тежаш, ўзлари умид қиласан хусусиятларга эга бўлмаган товарларни харид қилиш хавфини олдини олиш имконини беради.

Давлатга фойда келтириш нуқтаи назаридан шуни айтиш мумкинки, ТКЧЖН ҳунармандчилик, турли ҳунарлар ва ишлаб чиқаришларни сақлаб қолишига ёрдам беради ҳамда ушбу тарзда тараққиёт, маданиятни ривожлантириш ва анъаналарни сақлаш омили бўлиб ҳисобланади.

Табиий шароитлар ва инсон омиллари таъсирида яратилган товарларнинг ўзига хос бетакрорлилик белгилари катта ҳиссада Ўзбекистонга ҳам тегишилдири.

Белгилар ҳукумат томонидан ваколат берилган давлат идорасида маҳсус рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ТКЧЖН мақомини оладилар. Ўзбекистонда бундай идора бўлиб Давлат патент идораси ҳисобланади. У ТКЧЖНни ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини беришни рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни олади, уларни экспертизадан ўтказади, ТКЧЖНни рўйхатдан ўтказади ва ТКЧЖН дан фойдаланиш ҳукуқи тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Ушбу тупламда товар келиб чиқсан жой номлари билан боғлиқ бўлган ҳукуқий муносабатларни тартибига соладиган қуйидаги асосий ҳужжатлар чоп этилган:

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори;

«Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конуни (кўчирма);

Ўзбекистон Республикасида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини муҳофаза қилиш ва улар билан ишлашнинг ҳукуқий, иқтисодий, ташкилий асосларини ва тартибини белгилаб берадиган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни;

Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва унга бўлган ҳукуқни олиш учун тақдим этиладиган талабнома ҳужжатларига талабларни

ва ушбу талабномаларнинг Давлат патент идораси томонидан экспертизадан ўтказилишини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятли бўлган амалларни ўтказиш тартибини ўрнатадиган «Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқукини беришни рўйхатдан ўтказишига доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»;

«Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарори;

Патент божлари тўғрисида Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорига 1-илова);

Товар келиб чиқсан жой номларига ҳуқуқий муҳофаза бериш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган патент божлари ставкаларидан кўчирма.

Товар келиб чиқсан жой номини муваффақиятли рўйхатдан ўтказиш, товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқукини ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқукини олиш учун талабнома ҳужжатларини тўғри тузиш катта аҳамият касб этади.

Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқукини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилиши, экспертиза ўтказилиши, муҳофаза ҳужжатларини берилиши ва беришган гувоҳномани амалда сақлаб туриш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш учун патент божлари ундирилади. Амалга оширилганлиги учун патент божлари ундириладиган ҳаракатларнинг рўйхати «Товар келиб чиқсан жой номларига ҳуқуқий муҳофаза бериш ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқукини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган патент божлари ставкаларидан кўчирма»да баён қилинган.

Нашр қилинган ҳужжатлар саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича қонун ҳужжатларини ривожлантиришда янги босқични ифодалайди.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ**

**«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиши ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қиласди:

1. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни матбуотда зълон қилинган кундан эвтиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Конунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Куйидагилар ўз кучини йўқоттан деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Махсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 244-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиши ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 245 - модда);

Ўзбекистон Республикасини ш 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №3, 38-модда) VII бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқоттан деб топиш тўғрисида»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1-2, 23-модда) I бўлимининг 5-банди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри  
2001 йил 30 август

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ**

## **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (кўчирма)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартришлар ва қўшимчалар киритилсиз:

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган

«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонувининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда) 33-моддаси:

биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги «унинг ушбу Қонунда назарда тутиган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларини қоплаш учун» сўзлари чиқариб ташлансан;

иккинчи қисми қуйидаги таҳтирида баён этилсиз:

«Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланади».

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 30 август,  
№ 405-П

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

### **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**

#### **1 модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибига солади.

#### **2 модда. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3 модда. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси**

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда – «товар белгиси» деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда «товарлар» деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиласидан, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиган белгилардир.

Товар белгилари якка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин.

Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади.

Юридик ва(ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва(ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзида белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

#### **4 модда. Товар белгисини ҳукуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар белгиси ҳукуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатидан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

### **5 модда. Товар келиб чиққан жой номи**

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг (бундан буён матнда «жўғрофий обьект» деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга ҳос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади.

### **6 модда. Товар келиб чиққан жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

Товар келиб чиққан жой номи ҳуқуқий жиҳатдан уни ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатидан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади.

Товар келиб чиққан жой номи мазкур жўғрофий обьектдаги, номи ўзлари ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун ишлатиладиган бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказган шахс бу номдан, башарти мазкур шахс алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга ҳос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу жўғрофий обьектда жойлашган ва айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

### **7 модда. Ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (бундан буён матнда «Патент идораси» деб юритилаи) товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

#### **Патент идораси:**

товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириша қатнашади;

товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қиласида, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказади;

товар белгиларини, товар келиб чиққан жой номларини ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқини, товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шаҳсларга ўтказиш түғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиши амалга оширади;

Товар белгилари давлат реестрини ва Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрини (бундан буён матнда «реестр» деб юритилади) юритади;

товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи түғрисида гувоҳнома беради,

товар белгилари рўйхатта олингандлиги ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги түғрисида расмий маълумотларни зълон қиласди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **8-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш учун талабнома бериш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс тамонидан (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) Патент идорасига берилади.

Жамоавий белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ва(ёки) жисмоний шахслар бирлашмаси номидан бирлашма қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш түғрисидаги келишувига мувофик берилади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган сана мазкур талабнома Патент идорасига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

#### **9-модда. Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабномага доир талаблар**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига ёки товар келиб чиққан жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қўйидагилар бўлиши керак:

товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш түғрисидаги ариза;

талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гурухланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиқсан жой номини ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида ҳусусиятлари тасвири.

Талабномага қуйидагилар илова қилиниши зарур:

талабнома берганлик учун патент бози тўланганлигини тасдиқловчи хужжат;

талабнома патент вакили орқали берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

талабнома берувчининг зикр этилган жўғрофий обьектда жойлашганлигини ва алоҳида ҳусусиятлари мазкур жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар ёки бошقا омиллар билан ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан боғлиқ товар ишлаб чиқаришини тасдиқловчи хужжатлар;

чет эллик талабнома берувчининг товар келиб чиқсан жойнинг талабномада ифодаланган номидан товар келиб чиқсан мамлакатда фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисини, товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўлган хужжатларга тааллуқли талабалар Патент идораси томонидан белгиланади.

## **10-модда. Товар белгилари сифатида рўйхатидан ўтказилмайдиган белгилар**

Куйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки хукumatлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш ҳусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муйян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишида бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, ҳусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини шунингдек уларнинг

ишлиб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиқсан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақиқида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиягини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек, башарти улар таржима қилиб ёки «кўрининидаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланисла;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва аҳлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ усворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умум зътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ушбу Конунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиқсан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

14) Қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида та ниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳукуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳукуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини,

санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига зга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-4-бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин, ушбу модда биринчи қисмининг 5-8-бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисида устун мавқега зга бўлмаса, бу белгига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-8-бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига зга бўлган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 13-бандидаги иккинчи ва учинчи катбошиларда кўрсатилган товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида уларга айнан ўхаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

## **11-модда. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар**

Кўйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

Товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганларни ҳақида янгиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

## **12-модда. Товар белгисининг устуворлиги**

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Патент идорасига талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини

рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги) белгиланиши мумкини.

Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига кўшилган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган расмий ҳалқаро кўргазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўргазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўргазмада очиқ намойиш этила бошланган санага қараб (кўргазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида Патент идорасига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин.

Конвенция ёки кўргазма устуворлиги ҳукуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб хаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қиласан ҳолда бу хақда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани берётганида ёки Патент идорасига талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктиримай Патент идорасига тақдим этиши лозим.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома икки ёки бир неча талабномага ажратилган тақдирда талабномаларнинг ҳар бири бўйича устуворлик дастлабки талабноманинг устуворлиги санасига қараб белгиланади.

### **13-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш Патент идораси томонидан амалта оширилади ҳамда расмий экспертизадан ўтказишдан ва талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунинг қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатиш, аниқлаштириш ёки талабнома моҳиятини ўзгартиримайдиган маълумотлар билан тўлдиришга ҳақли.

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида кўшимча материалларсиз экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаса, Патент идораси талабнома берувчидан бундай материалларни сўраб олишга ҳақли.

Давлат экспертизасининг сўровига биноан кўшимча материалларни талабнома берувчи сўров жўнатилган санадан этиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғи лозим. Талабнома берувчининг илтимосига кўра мазкур муддат кўпли билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлар талабнома берувчининг мазкур муддат тутагандан кейин кечи билан икки ой ичидаги берган илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

**14-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш**

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Патент идорасига берилган санадан этиборан ўттиз кунлик муддат ичидаги амалга оширилади.

Расмий экспертизадан ўтказиш жараённада товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг мазмунни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгилантган талабларга мувофиқлиги текширилади. Талабнома берувчига расмий экспертиза натижаларига биноан Патент идорасининг талабноманинг кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд қабул қилишни рад этиш хақидаги қарори маълум қилинади.

**15-модда. Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш**

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мовофиқ, талабнома берилган санадан этиборан тўққиз ой мобайнида Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Экспертизадан ўтказиш чорида талабномада ифодаланган белгининг товар белгисини экспертиза қилишда ушбу Конун З-моддасининг биринчи қисми ҳамда 10-моддаси қоидаларига, товар келиб чиққан жой номини экспертиза қилиш ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда эса, ушбу Конуннинг 6 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижаларига биноан Патент идораси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёхуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш хақида қарор қабул қиласи, талабнома берувчи бу ҳусусда хабардор қилинади..

Патент идорасининг товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ санасига кўра устуворликка эга бўлган талабнома тушганилиги муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### **16-модда. Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан шикоят бериш**

Талабнома берувчи Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан кейин матнда «Апелляция кенгаши» деб юритилади) қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой мобайнида судга шикоят беришга ҳақли.

### **17-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиши ёки бундай талабномани чақириб олиш**

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномадан уни кўриб чиқишининг исталган босқичида бошқа шахс фойдасига воз кечиши ёки талабномани чақириб олиши мумкин, лекин бу тегишинча товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиладиган санадан кечирилмай амалга оширилиши лозим.

### **18-модда. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш**

Патент идораси давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой мобайнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатта олади.

Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

## **19-модда. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни зълон қилиш**

Товар белгиси, товар келиб чиқсан жой номи ва (ёки) товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки рўйхатга олинганилиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида зълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

## **20-модда. Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома**

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлади.

Товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиқсан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлади.

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиқсан жой номи ва (ёки) товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тегишли реестрда рўйхатга олингандан кейин сўнг бир ой давомида Патент идораси томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва уларда кўрсатилган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

## **21-модда. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати**

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан зътиборан ўн йил мобайнида амал қиласи.

## **22-модда. Товар белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш**

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қиласетган охирги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган аризага қўйидагилар илова қилиниши лозим:

патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

патент вакили орқали ариза берилган тақдирда талабнома берувчининг ишончномаси;

товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқарилаётганлитини тасдиқловчи ҳужжат.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ёзув тегишли реестрга киритилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тутагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин.

**23-Модда. Товар белгисига доир гувоҳномага ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартиришлар кириш**

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси Патент идорасини ўз номи, фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги тўғрисида, товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга тааллукли бошқа ўзгартиришлар тўғрисида, товар белгиси учун эса – товар белгиси олинган товарларнинг рўйхати қисқартирилганлиги, товар белгисининг айрим қисмлари унинг моҳиятини бузмайдиган тарзда ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Ушбу ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзув Патент идораси томонидан товар белгисига доир гувоҳномага ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ва тегишли реестрга киритилади.

**24-Модда. Товар белгисига доир гувоҳномани ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш**

Товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Конуннинг 4-моддаси иккинчи қисмida ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у ушбу Конуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тұғрисидаги гувоҳнома унинг амал қилишининг бутун муддатты давомида, башарты у ушбу Қонунда белгиланған талабларни бузган ҳолда берилтган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**25-модда. Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилғанлигининг бекор қилиниши, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тұғрисидаги гувоҳнома амал қилишининг тугатилиши**

Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилғанлиги қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

мазкур жўғрофий обьект учун хос бўлган шароитлар йўқолганда ва реестрда кўрсатилган хусусиятларига эга бўлган товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмагандан;

чет эллик юридик ёки жисмоний шахслар товар келиб чиққан мамлакатда товар келиб чиққан шу жой номига доир ҳукуқларини йўқотгандан.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши унинг амал қилиши муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилади санадан зътиборан исталган беш йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмагандан, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тұғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатдан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатдан олдин тугатиш тұғрисидаги масалани ҳал қиласётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи даллилар зътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тұғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши:

Апелляция кенгаши қарори асосида;

Товар белгиси эгасининг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тұғрисидаги гувоҳнома эгасининг Патент Идорастига берган аризаси асосида;

суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади.

**26-модда. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ**

Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасаруф этиши мутлақ ҳуқуқига эга.

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товар

ларга нисбатан амал қилади ва Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида амалга оширилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, слив кириш, савдоға таклиф этиш, сочиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш, ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига донири мутлақ хукуқни бузиш деб эътироф этилади.

## **27-модда. Товар белгисидан фойдаланиш**

Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамла ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай хукуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиши вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амадга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

## **28-модда. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш**

Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳмада ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаро муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида: товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини, бошқа шахсга беришга, бундай ҳукуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуки тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишга, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва шунга ўхшаш сўзларни кўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида истеъмолчими чалгитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

## **29-модда. Огоҳлантирувчи тамғалаш**

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуки тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиқсан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида кўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиқсан жой номи эканлигини билдирувчи логин алифбосидаги «R» ёки айлана ичига олинган «R» ҳарфи тарзida огоҳлантирувчи тамға кўйиши мумкин.

## **30-модда. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш**

Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини Товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалгитадиган бўлса, йўл кўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳукуки товар белгисининг эгаси (лицензиар томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳукуки бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

## **31-модда. Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахсни қайта ташкил этиш пайтида товар белгисининг ўтиши**

Товар белгиларининг эгалари бўлмиш юридик шахслар кўшиб юборилганда товар белгилари қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади.

Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлингандан товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси зиммасига ўтадиган, қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади. Товар белгисининг эгаси товар белгиси рўйхатдан ўтказилган товарларни ишлаб чиқаришнинг бир қисмини ўзида сақлаб қолган тақдирда ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувига (шартномага) кўра товар белгисининг биргаликдаги эгаси деб эътироф этилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Товар белгисининг эгаси бўлмиш юридик шахс бошқа юридик шахсга кўшиб олинганда товар белгисига доир ҳуқуқ кўшиб олган юридик шахсга ўтади.

## **32-модда. Товар белгисини тақорий рўйхатдан ўтказиш шартлари**

Гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтган товар белгиси товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши тутаган санадан эътиборан уч йил мобайнида бошқа шахс номига қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур қонди товар белгисининг эгаси ундан товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиш муддати тутаига қадар воз кечган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

## **33-модда. Патент божлари**

Товар белгиларини, товар келиб чиқсан жой номини ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун патент божлари олинади. Патент божлари Патент идорасига унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажаришга доир ҳаражатларини қоплаш учун тўланади.

Патент божларининг миқдорлари ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **34-модда. Патент вакиллари**

Патент вакили Патент идорасида юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади.

Ўз мамлакати ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтингчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиқсан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилини кўрсатган ҳолда патент вакилсиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

### **35-модда. Товар белгисини ва товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар белгисини ёки товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

### **36-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекитон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишида ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

### **37-модда. Низоларни ҳал этиш**

Товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номаларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **38-модда. Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белтиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри  
2001 йил 30 август

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги  
2002 йил 1 ноябрда  
1185-сон билан  
рўйхатта олинган

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат патент идораси  
директорининг  
2002 йил 11 октябрдаги  
52-сон буйрути билан  
тасдиқланган

## **ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИНИ ВА ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШНИ РЎЙХАТДАН ўТКАЗИШГА ДОИР ТАЛАБНОМА ТУЗИШ, ТОПШИРИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу «Товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари» (бундан кейин –Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

### **Қисқартиришлар рўйхати**

**Қонун** – Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни.

**Патент идораси** – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси.

**талабнома** – Товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома ҳамда аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома.

**Реестр** – товар келиб чиқкан жой номларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестри.

# **I БОБ. Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қоидалари**

## **1-§. Талабнома**

1. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ товар келиб чиққан жой номи – бу мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан кейин – жўғрофий объект) товарни белгилаш учун ишлатиладиган номи бўлиб, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланади.

2. Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатта олинадиган белги бўлиб жўғрофий объектнинг замонавий номи, ушбу объектнинг тарихий номи ёки улардан келиб чиққан ном бўлиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатга олинадиган белги қўшимча равишда товарнинг кўриниши (тури) белгисига кўрсатмани ичига олиши мумкин.

3. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ ушбу қоидаларнинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган белгилар, башарти улар алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни белгилаш учун ишлатилса, товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ товар келиб чиққан жой номи сифатида қуидаги белгилар рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас:

а) товар ишлаб чиқарилётган жойга нисбатан истеъмолчини чалгитадиган жўғрофий номларни ифодаловчи белгилар;

б) товар ишлаб чиқариладиган ҳақиқий жойни расман кўрсатадиган, аммо товар бошқа ҳудуддан келиб чиққанлиги тўғрисидаги нотўғри тасаввурни берадиган белгилар;

в) товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номларни ичига оладиган ва Ўзбекистон Республикасида маълум турдаги товар белгиси сифатида умумий истеъмолга кирган белгилар.

5. Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмiga мувофиқ қуидаги талабномалар бир-биридан фарқланади:

а) товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берилгага талабнома;

б) рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга талабнома;

6. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмiga мувофиқ талабнома битта товар келиб чиққан жой номига оид бўлиши лозим.

7. Конуннинг 5-моддаси иккинчи қисми 2-, 3-, 5-хат бошисига мувофиқ талабнома қўйидагиларни ичига олиши лозим:

а) талабнома берувчини (талабнома берувчиларни), унинг (уларнинг) жойлашган жойини ёки турар жойини кўрсатган ҳолда товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги ариза ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақида ариза (бундан кейин ариза);

б) талабномада ифодаланган белги;

в) белгиланиши учун товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сўралаётган товарнинг тури;

г) товар ишлаб чиқарилаётган жойни кўрсатиш (жўпрофий обьектнинг чегаралари);

д) товарнинг алоҳида хусусиятларини таърифлаш.

8. Конуннинг 9-моддаси учинчى қисмига мувофиқ талабномага қўйидагилар илова қилиниши лозим:

а) талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) ваколатли идоранинг кўрсатилган жўпрофий обьектда талабнома берувчининг жойлашганлиги ва алоҳида хусусиятлари мазкур жўпрофий обьектта хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товарни унинг томонидан ишлаб чиқарилаётгандиги ҳақидаги хulosаси;

в) корижий талабнома берувчи томонидан топшириладиган талабномага ушбу банднинг (б) бандчасида кўрсатилган ҳужжат ўрнига талабнома берувчининг товар келиб чиқсан мамлакатдаги талабнома берилган товар келиб чиқсан жой номига бўлган ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

## 2-§. Талабноманинг таркиби

9. Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома ушбу Қоидаларга келтирилган 1-иловадаги шаклда топширилади.

10. Аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги талабнома ушбу Қоидаларга келтирилган 2-иловадаги шаклда топширилади.

«Талабнома» сўзидан юқорида жойлашган графалар, талабнома Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан кейин – Патент идораси) келиб тушгандан кейин реквизитларни қўйиш учун мўлжалланган ва талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

Агар баъзи маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштириш мумкин бўлмаса, уларни ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади,

талабноманинг тегишли графасида: «давомини кўшимча ва рақда қаранг» деб кўрсатилади.

11. «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар келтирилади: юридик шахснинг тўлиқ расмий номи, жисмоний шахснинг фамилияси, исми (ва отасининг исми агар у мавжуд бўлса), бунда фамилия исмдан аввал кўрсатилади. Талабнома берувчининг номи ўзбек ва рус тилиларида кўрсатилади.

«Талабнома берувчининг почта манзили» графасида талабнома берувчининг мамлакат расмий номини ўз ичига олган тўлиқ манзилгоҳи, шунингдек телефон, факс рақамлари ва Интернетдаги электрон почта адреси (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

12. Номларига товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва/ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома берилиши сўралаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида яшайдиган хорижий юридик ёки жисмоний шахслари учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) нинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди кўрсатилади (агар у белгиланган бўлса).

13. «Ёзишмалар олиб бориш учун манзил» графасида ёзишмалар олиб бориш учун манзил, хат олувчининг исми ёки номи келтирилади ҳамда телефон, факс рақамлари ва Интернетдаги электрон почта манзили (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Ёзишмалар олиб бориш учун манзил сифатида, талабнома берувчи – юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида жойлашган жойи ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган талабнома берувчи - жисмоний шахснинг манзили, ёхуд Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилининг манзили ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа манзил кўрсатилиши мумкин.

15. «Патент вакили» графаси фақат талабнома берувчи томонидан патент вакили тайинланган ҳолда тўлдирилади, у тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар: фамилияси, исми (отасининг исми, агар у мавжуд бўлса), Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган рақами.

«Патент вакилининг манзили» графасида патент вакилининг почта индексини кўрсатган ҳолда манзили, телефон, факс рақамлари ва Интернетдаги электрон почта манзили (агар улар мавжуд бўлса) келтирилади.

16. «Талабномада кўрсатилган белги» графасида талабнома кўрсатилган белги одатдаги шрифтда ёзилган ҳолда келтирилади.

17. «Товар тури ёки аниқ товар» графасида Конуннинг 9-моддаси иккичи қисми бешинчи хатбошига мувофиқ товар келиб чиқсан жой номи мўлжалланган товар (товарлар) кўрсатилиши лозим. Бунда алоҳида хусусиятлари жўғрофий объектнинг (тамомила ёки асосан) табиий шароитларига

ва/ёки бошқа омилларига биноан эришилган фақат ҳақиқатдан ҳам чиқарилаётган товарлар күрсатилиши лозим.

18. Конуннинг 9-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбошига мувофиқ тақдим этилаётган таърифда белги рўйхатдан ўтказилаётган товарнинг ушбу товарни худди шундай товарлардан фарқлайдиган алоҳида хусусиятлари рўйхати келтирилади. Таърифдан товарнинг алоҳида хусусиятлари ушбу жўрофий объект учун хос бўлган табиий шароитлари ва/ёки бошқа омилларига албатта боғлиқ эканлиги келиб чиқиши лозим.

Товарнинг хусусиятлари умум қабул қилинган маҳсус терминологияга (товаршунослик, техник ва бошқалар) мувофиқ аниқ ва равшан таърифланниши лозим.

Таъриф ахборот кўринишида бўлиши, хусусан ушбу жўрофий объектда хом ашёнинг, тегишли иқлим, геологик ёки бошқа табиий шароитларнинг, товарни анъанавий усулда тайёрлай оладиган одамлар (жамоа) нинг ва бошқаларнинг мавжудлигини кўрсатилиши лозим.

19. Маъданли сувнинг алоҳида хусусиятларини таърифлашда товарнинг ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда ваколатли идоранинг хуносасида куйидагиларни тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлиши лозим:

а) органолептик хусусиятлар: таъми, ранги, ҳиди (ёки уларнинг мавжуд эмаслиги);

б) ион таркибининг қисқача тавсифи («дан» «гача» оралиғида берилishi лозим);

в) маъданлашганилиги;

г) газ таркиби, микрэлементлар, радиоактив элементлар, органик моддалар, фаол реакция тавсифи ва оксидланиш-қайтарилиш потенциали;

д) бальнеологик хусусиятлари.

20. Талабномада товар ишлаб чиқарилаётган жой кўрсатилиши лозим. Товар ишлаб чиқарилаётган жой жўрофий объектнинг чегараларини кўрсатиш йўли билан таърифланиши мумкин. Жўрофий объектнинг чегаралари координаталар ёрдамида, жойнинг – дарёлар, тоғлар, кўлларнинг табиий чегаралари, матъмурӣ чегаралар; кўп йиллик иншоатлар, коммуникациялар ва бошқалар ёрдамида таърифланиши мумкин.

21. «Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати» графаси, тегишли каталярда «Х» белгисини қўйиб чиқиш ва илова қилинадиган ҳужжатларнинг ҳар бир намунасида нусхалар ва варақлар сонини кўрсатиш йўли билан тўлдирилади. Тури талабноманинг шаклида кўзда тутилмаган, («бошқа ҳужжат») илова қилинадиган ҳужжатлар учун уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилади.

22. Конуннинг 9-моддаси учинчи қисми тўртинчи хатбошига мувофиқ талабномага илова қилинадиган ваколатли идоранинг (ваколатли идораларнинг) хуносаси (хуносалари) талабнома берувчининг кўрсатилган жўрофий объектда жойлашганилигини ва алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқлаши лозим.

Хулоса ўз савияси ва ихтисослашувига кўра товарга нисбатан мала-кали баёнот бера оладиган ҳамда унинг тайёрловчиси номи товарни белгилашда кўлланиладиган жўғрофий объекtnинг чегараларида жойлашганлигини тасдиқлайдиган идора томонидан тақдим этилиши лозим.

Хусусан, шундай идора бўлиб вазирлик, Фанлар Академияси, ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институти, музей ва бошқалар бўлиши ва бунда зарур ҳолларда савияли мутахассисларни жалб қилиниши мумкин. Хулоса (хулосалар), агар у Қонун талаб қрладиган барча маълумотларни ўз ичига олган бўлса, битта ваколатли идора томонидан ёки бир нечта идоралар томонидан тақдим этилиши мумкин (талабнома берувчининг жойлашган жойи ва товар ишлаб чиқариш чегаралари ҳақидаги маҳаллий ҳокимият идорасининг хулосаси ҳамда товарнинг алоҳида хусусиятлари ҳақидаги бошқа ваколатли идоранинг хулосаси).

23. Қонуннинг 9-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбошига мувофиқ хорижий талабнома берувчининг товар келиб чиқсан мамлакатда талабнома берилган товар келиб чиқсан жой номига бўлган ҳукуқини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида товар келиб чиқсан мамлакатнинг ваколатли идораси томонидан берилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуқига гувоҳнома ёки сертификат ушбу Қоидаларнинг 25-банди шартларига амал қилингани ҳолда тақдим қилиниши мумкин.

24. Талабноманинг охири «Имзо» графасини имзо қўйилган санаси кўрсатилган ҳолда тўлдириш барча ҳолларда мажбурийдир.

Талабнома талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

Талабнома патент вакили орқали берилганда, талабнома патент вакили томонидан имзоланади.

Имзо имзоловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исмийни бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда изоҳланади. Талабномада қўшимча варақлар мавжуд бўлса, улар ҳам худди шу тартибда имзоланади.

### **3-§. Ҳужжатларни тақдим этиш**

25. Талабномада ифодаланган белгини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилади.

Агар талабнома ҳужжатлари бошқа тилда тақдим этилган бўлса, талабномага уларнинг ўзбек ёки рус тилларидаги таржимаси илова қилинади ҳамда у таржима қилган шахснинг имзоси билан тасдиқланади. Бошқа тилларда тақдим этилган ҳужжатлар, агар уларнинг таржимаси бошқа тилда ҳужжатларнинг келиш санасидан иккى ой давомида келган бўлса, уларнинг Патент идорасига келган санасидан тақдим этилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда ҳужжатлар уларнинг таржимаси келган санасида тақдим этилган деб ҳисобланади.

26. Талабнома икки нусхада тақдим этилади.

Талабномага илова қилинадиган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади.

27. Барча ҳужжатлар шу тарзда расмийлаштирилиши лозимки, зарур бўлган ҳолларда улардан исталган миқдорда нусха олишнинг иложи бўлсин.

Ҳар бир варакдан фақат бир томонидан, қаторларни варақнинг кичик томонига параллел жойлаштирилган ҳолда фойдаланилади.

28. Талабноманинг ҳужжатлари пишиқ, оқ, силлиқ, ялтирамайдиган когозда бажарилади.

29. Талабноманинг ҳар бир ҳужжати алоҳида варақдан бошланади. Вараклар, ҳошияларининг ўлчами (мм):

юкориси - 20;

ўнг ва пастдаги - 20;

чандаги - 25,

бўлган 210 x 297 мм форматга эга.

30. Талабноманинг ҳар бир ҳужжатида иккинчи ва ундан кейинги вараклар араб рақамлари билан рақамлаб чиқилади.

31. Ҳужжатлар қора рангли шрифтларда босиб чиқарилади. Матн 1,5 интервал билан, бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаган ҳолда босмадан чиқарилади.

#### 4-§. Талабномани топшириш

32. Конуннинг 6-моддаси 2-4-қисмлари мувофиқ товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун ва/ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун номи товар келиб чиқсан жой номи сифатида ишлатиладиган жўғрофий объектда жойлашган юридик шахслар ва жисмоний шахслар, агар улар томонидан чиқарилётган товар Конуннинг 5-моддаси томонидан ўрнатилган талабларга жавоб берса, талабнома топшириш ҳуқуқига эгадир (матнда бундан кейин талабнома берувчи).

Конуннинг 8-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома юридик ва жисмоний шахс томонидан топширилиши мумкин.

33. Талабнома Патент идорасига бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади.

34. Талабномани талабнома берувчи томонидан ёки Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали топширилиши мумкин.

Чет эл юридик шахслари ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшайдиган жисмоний шахслар ёки уларнинг патент вакиллари товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ ишларни фақат Патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакили орқали олиб борадилар.

Патент вакили орқали топшириётган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома

ёхуд керакли тарзда расмийлаштирилган ишонч қоғозининг нусхаси илова қилинади.

Патент идораси олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштириладиган ишонч қозоги оддий ёзма равища тузилади ва нотариал тасдиқланиши талаб қилмайди. Ишончнома талабнома билан бир вақтда ёки талабнома келган санаасидан бошлаб икки ойдан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилади.

Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакилига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган жисмоний шахснинг ёки хорижий юридик шахснинг манфаатларини намоён этилга вакиллик қилиш учун ишончнома ушбу шахс томонидан ҳамда талабнома берувчи томонидан берилган тегишли ишончномага ёхуд ишончноманинг талаб қилинган ҳолда расмийлаштирилган нусхасига зга бўлган унинг патент вакили томонидан берилиши мумкин.

Агар ишончнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган бир нечта патент вакиллари ёки бошқа шахслар номига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказишга оид ишлар уларнинг исталгани томонидан олиб борилади.

Патент вакилининг исталган барча ҳаракатлари талабнома берувчинга ҳаракатлари сифатида баҳоланади.

## **II-БОБ. Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун талабнома бўйича ишларни олиб бориш**

### **5-§. Вакил тайинлаш**

35. Талабнома топширилгандан кейин товар белгисини рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқиш давомида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома берган ҳолда вакил тайинлаш мумкин.

Миллий ва/ёки хоржий юридик ва/ёки жисмоний шахснинг ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган жисмоний шахснинг вакили бўлиб Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакили бўлиши мумкин.

36. Вакилнинг ишончномаси талабномани топшириш вақтида ёки иш юритиши давомида тақдим этилиши мумкин. Ишончнома талабнома материалларига қўшиб кўйилади.

37. Ишончнома топширилгунга қадар вакилнинг олиб борган ҳаракатлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва экспертиза томонидан инобатга олинмайди. Вакилнинг унга тақдим этилган ваколатлари доирасидаги ҳар бир ҳаракати ёки Патент идорасининг унга нисбатан ҳар бир ҳаракати талабнома берувчининг ҳаракати ёки талабнома берувчига нисбатан ҳаракат каби оқибатларга олиб келади.

38. Вакиллик ишончномада кўрсатилган ваколатлар ёки уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қиласди. Ишончномада кўрсатилган ваколатларни муддатидан аввал тўхтатиш талабнома берувчи ёки унинг ҳукуқий вориси томонидан Патент идорасига тегишли ариза (ишончномани чақириб олиш) бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

### **6-§. Патент идораси билан ёзишмалар олиб бориш**

39. Ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг шу ишга тайинланган вакили томонидан ҳар бир талабнома учун алоҳида олиб борилади.

Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалда талабнома рақами кўрсатилиши ва талабнома берувчи ёки унинг вакилининг имзоси бўлиши шарт.

Талабнома рақами кўрсатилган материаллар, агар талабнома рақами аниқланмаса, кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

40. Патент идораси билан ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади. Талабнома берувчи томонидан бошқа тилда берилган материалларга уларнинг ўзбек ёки рус тилларидаги таржимаси таржимани амалга оширган шахснинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда илова қилинади.

### **7-§. Муддатлар**

41. Йилларда ифодаланган исталган муддат тегишли кейинги келадиган йилда, худди шу номли ойда ва муддатни ҳисоблаш бошланадиган воқеа содир бўлган ой ва кун рақами неchanчи бўлса, ўша кунда тугайди; аммо агар тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охирги куни тутгайди.

42. Ойларда ифодаланган исталган муддат тегишли кейинги келадиган ойда ва муддатни ҳисоблаш бошланадиган воқеа содир бўлган кун рақами неchanчи бўлса, ўша кунда тугайди; аммо агар тегишли ой ўша рақамли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охирги куни тутгайди.

43. Кунларда ифодаланган муддат кўрсатилган воқеа рўй берган кундан кейинги кундан ҳисобланиб сўнгги куннинг охирда тугайди.

44. Агар хат ёки патент божи Патент идорасига келиб тушиши лозим бўлган муддатнинг охирги куни Патент идорасининг дам олиш кунига тўғри келса, ушбу муддат бундай кўрсатилган ҳолатларнинг биронтаси мавжуд бўлмаган кейинги иш кунигача узайтирилади.

### **8-§. Талабнома ҳужжатларига кўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиш**

45. Конуннинг 13-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчи ўз ташаббусига кўра талабнома материалига талабнома экспертизасини ўтказиш даврида қарор қабул қилингунга қадар кўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар киритиши мумкин.

Талабнома материалларини тузатиш, аниқлик ва қўшимчалар киритиш талабнома берувчи томонидан тегишли ёзма ариза топшириш йўли билан амалга оширилади. Аризаларнинг шакли ушбу Коидаларнинг 3-, 4-иловаларида келтирилган.

Ариза Патент идорасига келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида талабнома берувчига хабар берилади.

Аризага талабнома материалларига ўзгартиришлар киритиши учун патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади. Патент божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат илова қилинмаса ёки тўланган патент божининг миқдори белгиланган миқдордан кам бўлса, қўшимча материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

Талабнома берувчи – юридик шахс номланиши ёки талабнома берувчи – жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, ушбу ўзгартириши тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилади.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар мазкур Коидаларнинг 94-97-бандларига мувофиқ кўриб чиқиласди.

### **9-§. Талабнома материаллари билан танишиш**

46. Талабнома берувчи (унинг вакили) топширилган талабнома ва унга оид ҳужжатлар билан олдиндан куни ва соатини келишиб бевосита Патент идорасида ёки талабнома ҳужжатларининг ёхуд уларнинг бирор қисмининг нусхасини сўраш йўли билан танишиш мумкин. Сўралган ҳужжатларнинг нусхалари тариф бўйича хизматларга тегишли ҳақ тўланган тақдирда талабнома берувчига юборилади.

47. Ҳукукни муҳофаза қилувчи идоралар тергов зарурияти билан боғлиқ ҳоллардагина талабнома материаллари билан белгул танишадилар.

### **10-§. Талабномани кўриб чиқини жараёнида экспертиза томонидан кўрсатилган материаллар билан танишиш**

48. Талабнома берувчи экспертиза қарорида кўрсатилган материаллар билан танишиш ҳукуқига эга.

49. Сўралган ҳужжатларнинг нусхалари тариф бўйича хизматларга тегишли ҳақ тўланган тақдирда талабнома берувчига юборилади.

### **11-§. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиш**

50. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи (унинг вакили) иштирокида кўриб чиқиш одатда, экспертиза талабнома берилган белги, у билан белгиланиши мўлжалланган товар, товарнинг алоҳида хусусиятлари, уларни жўғрофий обьектнинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллари ёхуд бир вақтнинг ўзида табиий шароитлари ва бошқа омиллар бўйича қўшимча тушунтиришлар олиш зарурияти пайдо бўлган ҳолда ва та-

табнома берилган белгининг муҳофаза қилишга яроқлилiği, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш имкони масалалари бўйича экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясини аниқлаш учун ўтказилади.

Эксперт муҳокамаси иккала томон шу саволлар билан танишиб чиққандан сўнг Патент идорасининг таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра ўтказилиши мумкин. Экспертизанинг саволлари эксперт муҳокамасини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида билдирилган сўровномасида, талабнома берувчининг саволлари эса уни ўтказиш ҳақидаги илтимосномасида баён қилиниши мумкин.

Сўровнома юборилган ҳолда талабнома берувчи талабномани кўриб чиқиша қатнашиш ниятидан қаъий назар сўровномага Қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши лозим.

51. Эксперт муҳокамасини ўтказиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади. Агар бирор томон муҳокамада белгиланган вақтда қатнаша олмаса, дарҳол иккинч томонни хабардор қиласи. Патент идораси ёки талабнома берувчи агар талабномани бирга кўриб чиқишига вақтли ёки мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобласа, Патент идорасининг таклифи ёки талабнома берувчининг илтимоси рад этилиши мумкин.

Ушбу қоидаларнинг 34-38-бандларидаги шартлар бажарилган ҳолда эксперт муҳокамасида талабнома берувчининг вакили қатнашиши мумкин.

## **12-§. Сўралган материалларни тақдим этиш муддатини узайтириш**

52. Давлат экспертизасининг сўровномаси бўйича қўшимча материаллар талабнома берувчига сўровнома юборилган санадан бошлаб уч ой давомида тақдим этилиши лозим.

Қонунинг 13-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчининг ёзма илтимосига кўра сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилиши мумкин.

Илтимос билан биргаликда муддатни узайтириш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

53. Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчига сўровнома юборилган санадан уч ой ўтмаган муддатда топширилади.

54. Талабнома берувчига сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

55. Агар илтимоснома белгиланган муддат ўтгандан сўнг берилган бўлса, патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса ёки тўланган бож суммаси белгиланган миқдорга тўғри келмаса, сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилмайди. Бу ҳолда талабнома берувчига унинг илтимосини рад этилганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.

### **13-§. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш**

56. Конуннинг 13-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган куйидаги муддатлар тикланиши мумкин:

- а) экспертиза сўровномаси бўйича қўшимча материалларни тақдим этиш муддати;
- б) давлат экспертизасининг сўровномасига жавоб берипни тақдим этиш муддати;

57. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги расмий илтимоснома талабнома берувчи томонидан муддат ўтиб кетган кундан бошлаб иккӣ ичидаги муддатни ўтказишнинг узрли сабабларини тасдиқлаган ҳолда топширилади.

58. Расмий илтимоснома билан биргаликда тегишли патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат белгиланган тартибда тақдим этилади.

59. Ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги тўғрисида талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

60. 57- ва 58-бандларда кўрсатилган талабларнинг ҳатточи биттаси ба жарилмаган ҳолда расмий илтимоснома қондирилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига билдиришнома юборилади.

### **14-§. Талабнома берувчи томонидан талабномани чақириб олиш**

61. Конуннинг 17-моддасига мувофиқ талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳукуқига эга.

Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза, талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин товар белгисини рўйхатдан ўтказишсанасига қадар топширилиши мумкин.

Талабнома берувчига чақириб олиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган санадан бошлаб талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

62. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳукуқий аҳамиятга молик амаллар амалга оширилмайди (бундай талабнома экспертизаси ўтказилмайди, товар келиб чиқкан жой номи рўйхатдан ўтказилмайди ва/ёки ундан фойдаланиш ҳукуқи тақдим этилмайди). Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишида чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

### **III-БОБ. Талабномани кўриб чиқиши**

#### **15-§. Келиб тушган талабномани рўйхатта олиш**

63. Агар Патент идорасига келиб тушган талабнома энг камидаги ўзбек ёки рус тилида товар келиб чиқкан жой номини рўйхатдан ўтказишга ва ундан фойдаланиш ҳукуқини беришга ариза ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини беришга ариза ҳамда

талаабномани топшириши ва давлат экспертизасини ўтказиш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса, талаабнома келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

Ўзбек ёки рус тилидан бошқа тилда топширилган талаабнома рўйхатга олинмайди ва топширган шахсга қайтариб юборилади.

64. Талаабномага Патент идорасининг учта ҳарфли ва саккиз хонали рақамли коддан иборат бўлган қайд рақами берилади. Ушбу рақамдаги биринчи ҳарф (J) саноат мулки обьекти тури – товар келиб чиққан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, кейинги иккни ҳарф (GU) муҳофаза ҳужжати тури – товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги гувоҳномани ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги гувоҳномани билдиради, талаабнома рақамидаги сонлар эса талаабнома топширилган йилни (кatta разряддаги 4 та сон) ва шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради (кичик разрядли 4 та сон).

65. Рўйхатга олинган талаабнома қайтарилмайди.

66. Патент идорасига келиб тушгандан бошлаб чоп этилгунга қадар талаабнома тўғрисидаги маълумотлар маҳфий ҳисобланади ва ошкор қилинishi мумкин эмас.

## 16-§. Расмий экспертиза

67. Конуннинг 14-моддаси биринчи қисмига мувофиқ расмий экспертизанинг ўтказилиш муддати талаабнома Патент идорасига келиб тушган санадан бошлаб 30 кунни ташкил қиласди.

Талаабнома берувчига сўровнома юборилган ҳолда бу муддат мос равиша узайтирилади.

68. Конуннинг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ расмий экспертизани ўтказиши момбайнинда талаабнома материаллари таркиби, зарур ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талаабларга мувофиқлиги текширилади. Ушбу текшириш натижалари бўйича талаабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақидаги қарори қабул қилинади.

69. Расмий экспертиза ўтказишида материаллар ичida қўйидаги ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талаабларга мувофиқлиги текширилади:

а) товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришга ариза ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга ариза;

б) талаабнома берувчи(лар)нинг номи ёки номланиши, у(лар)нинг манзилини кўрсатилганлиги;

в) патент вакилининг исми-шарифи, агар мавжуд бўлса;

г) талаабномада рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белги;

д) белгиланиши учун товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтка-  
зиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки рўйхатдан ўтказиб бўлинган  
товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сўралаётган  
товарнинг тури, бунда товар ишлаб чиқарилаётган жой (жўғрофий обь-  
ектнинг чегаралари) кўрсатилади;

е) товарнинг алоҳида хусусиятлари таърифи;

ж) талабномани топшириш ва талабнома берилган белгини эксперти-  
заси учун патент бози тўланганлити тўғрисидаги ҳужжат.

з) патент вакилига берилган ишончнома;

и) талабнома берувчининг кўрсатилган жўғрофий обьектда жойлаш-  
ганлигини ва алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий  
обьектта хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий ша-  
роитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган товар ишлаб  
чиқараётганлиги ҳақидаги ваколатли идоранинг (ваколатли идораларнинг)  
хулосаси (хулосалари);

к) хорижий талабнома берувчининг товар келиб чиққан мамлакатда  
унинг томонидан талабнома берилган товар келиб чиққан жой номига бўлган  
ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат;

л) бошқа тилда топширилган материалларнинг талабномага илова қи-  
линган ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси.

70. Расмий экспертизани ўтказиша 69-бандида кўрсатилган маъту-  
мотлар ва ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ушбу банднинг а), б), г), д), е)  
бандчаларида санаб ўтилган ҳужжатларнинг ушбу Қоидаларда ўрнатилган  
талабларга мувофиқлиги текширилади.

71. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиша талабномани топшириш са-  
наси ушбу Қоидаларнинг 69-бандининг а), б), г), д), е) бандчаларида санаб  
ўтилган ҳужжатлар ва маълумотлар ёки агар улар бирга топширилган бўлса,  
улардан энг охиргиси келиб тушган санадан белгиланади.

72. Бошқа тилда топширилган талабноманинг ўзбек ёки рус тилидаги  
таржимаси (ушбу Қоидаларнинг 69-банди «л» бандчаси) тақдим этилмагунча  
ҳужжатлар топширилмаган деб ҳисобланади.

73. Агар расмий экспертиза ўтказиша жараёнида талабнома ҳужжатлари  
ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмий-  
лаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига Қонуннинг 13-моддаси  
учинчи қисмига мувофиқ сўровнома юборилади, сўровномада аниқланган  
камчиликларни кўрсатилган ва ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътибо-  
ран уч ой ичida этишмаган ёки тузатилган маълумотлар ёки ҳужжатларни  
тақдим этиш таклиф қилинади.

74. Агар талабнома берувчи тақдим этган жавобда сўралган барча  
маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар бўлmasa, яна қайта сўровнома юборилади.

Расмий экспертиза сўровига жавоб олинмаса, жавоб бериш учун  
белгиланган муддат бузилган бўлса ва бу муддат ичida уни узайтириш ҳа-  
қида илтимоснома юборилмаса, талабнома берувчига талабнома кўриб чи-  
кишга қабул қилиниши рад этилиши тўғрисида қарор юборилади.

75. Талабнома материаллари белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шунингдек сўралган маълумотлар талабнома берувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилган ҳолда талабнома топширилган сана белгиланади ва талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганилиги тўғрисидаги қарор талабнома берувчига юборилади.

Талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганилиги ҳақидаги қарорда талабнома берувчи Конун ва ушбу Қоидаларда кўзда тутилган бошқа маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги ҳақида билдирилиши мумкин.

76. Агар расмий экспертизанинг сўровномасига талабнома берувчи томонидан тақдим этилган жавобда сўралган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар бўлмаса, талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

77. Талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда бундай қарор чиқариш учун асослар кўрсатилади.

### **17-§. Талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси**

78. Конуннинг 15-моддасига мувофиқ талабномада ифодаланган белгининг экспертизаси жараёнида шу белгини Конуннинг 6-, 11-моддалари томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Талабномада ифодаланган белги экспертизаси натижалари бўйича товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ёхуд рўйхатдан ўтказиб бўлинган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

79. Талабнома ифодаланган белгининг экспертизаси кўриб чиқишга қабул қилинган талабномалар бўйича расмий экспертиза тутагандан сўнг амалга оширилади.

80. Талабномада ифодаланган белги экспертизаси давомида куйидагилар амалга оширилади:

а) талабнома материалларининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг ушбу Қоидаларнинг 5-31-бандларида кўзда тутилган талабнома таркиби ва расмийлаштиришга бўлган талабларга мувофиқлигини қайта текшириш, расмий экспертиза давомида амалга ошириладиган талабнома материалларини текшириш (ушбу Қоидаларнинг 70-73-бандлари) бундан мустасно;

б) талабномада ифодаланган белгининг Конуннинг 5-, 11-моддаларида ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текшириш;

в) талабнома берувчининг кўрсатилган жўрофий обьектда жойлашганилигини ва алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган товар ишлаб

чиқараётгандылык ҳақидаги ваколатли идоранинг (ваколатли идораларнинг) хулосаси (хулосалари)нинг мавжуддиги ва таркибини текшириш;

г) товарнинг уни белгилаш учун товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилishi сұралаётган алоҳида хусусиятлари таърифини агар талабнома берилған белги товар келиб чиқкан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилған бўлса, Реестрдаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш.

81. Қонуннинг 5-моддасида ўрнатилган талабнома берилған белгининг товар келиб чиқкан жой номига мувофиқлитетини аниқлашда қўйидагилар текширилади:

а) талабномада ифодаланған белгининг жўғрофий объектнинг замонавий расмий номига ёки тарихий номига ушбу Қоидаларнинг 5-банди қоидаларини эътиборга олган ҳолда мувофиқлиги;

б) номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида талабномада келтирилаётган жўғрофий объектни чегаралари талабномада кўрсатилған айнан ўша ерда жойлашишини тасдиқлайдиган маълумотларнинг мавжуддиги;

в) жўғрофий объект номининг талабнома топшириш саясига айнан ушбу жўғрофий объектнинг табиий шароитлари ва/ёки бошқа омиллари билан белгиланған алоҳида хусусиятларга эга бўлған товарни яккалигини ажратиб кўрсатиш учун ишлатиладиган белги сифатида амалда мавжуддиги;

г) агар жўғрофий объектнинг номи аввал товарни яккалигини ажратиб кўрсатиш учун қўлланилған бўлса, аммо талабнома топширилған вақтга келиб ўзининг товар ҳақиқатдан ҳам келиб чиқкан жойни ва унинг алоҳида хусусиятларини кўрсатишга дастлабки қобилиятини йўқотган бўлса, бу ҳолда у Ўзбекистонда тайёрлаш жойи билан боғлиқ бўлмаган маълум турдаги (тур тушунчаси) товарнинг белгиси сифатида умумистеъмолга кирган белги деб хисобланади;

д) белгиланиши учун рўйхатдан ўтказилиши ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки аввал рўйхатдан ўтказилған товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш сұралаётган товарни кўрсатилганлиги, бунда уни ишлаб чиқариш жойи (жўғрофий объектнинг чегаралари) кўрсатилади;

е) товарнинг алоҳида хусусиятларининг таърифининг мавжуддиги ва уларни ваколатли идоранинг хулосасига мувофиқлиги.

82. Ваколатли идоранинг хулосаси мазмунини текширишда қўйидагиларни тасдиқлайдиган маълумотларнинг мавжуддиги аниқланади:

а) талабнома берувчининг номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида талабнома бериләётган жойда жойлашганлиги;

б) талабнома берувчининг талабномада кўрсатилған товарни номи товар келиб чиқкан жой номи сифатида талабнома берилған жой ҳудудида ишлаб чиқариши;

в) талабнома берувчи томонидан ишлаб чиқариләётган товарнинг талабномада кўрсатилған тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектта

хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар натижасида эришган алоҳида хусусиятларини мавжудлиги;

83. Товарнинг алоҳида хусусиятларининг таърифи талабномага Қонуннинг 9-моддаси З қисмида кўзда тутилган ҳолда илова қилинадиган ваколатли идоранинг хулосасига мувофиқ бўлиши лозим.

84. Талабнома материаллари Қонунда ўрнатилган талабларга мос келмаганда, талабнома берувчига аниқланган камчиликлар кўрсатилган ҳолда ва етишмаган ёки тузатилган маълумотларни ва/ёки ҳужжатларни талабнома берувчига сўровнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой давомида тақдим этиш тақлиф этилган ҳолда сўровнома юборилади.

85. Сўровномага кўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

а) талабнома берилган белгини аниқлаш зарурияти;

б) ушбу Қоидаларнинг 7-, 21-, ва 22-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурияти;

в) белгиланиши учун товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқи ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини бериш сўралаётган товар турини аниқлаш зарурияти;

г) белгиланиши учун товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқи ёки аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини бериш сўралаётган товарни ишлаб чиқарилётган жойини аниқлаш зарурияти;

д) талабномада кўрсатилган товарнинг алоҳида хусусиятларининг таърифини аниқлаш зарурияти;

е) ваколатли идоранинг баёнотига кирган ва ушбу Қоидаларнинг 80-(в) бандида кўрсатилган маълумотларни, хусусан товарда алоҳида хусусиятлар мавжудлигини, уларнинг талабномада кўрсатилган жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар ва/ёки бошқа омилларга сурункали боғлиқлигини тасдиқлайдиган маълумотларни аниқлаш зарурияти.

86. Талабномани кўриб чиқишида пайдо бўладиган бошқа турдаги саволлар, ҳамда шунингдек камчилик ва тақлифлар юкорида кўрсатилган асосларда йўлланиладиган сўровномага киритилиши мумкин.

Сўровномада бирон-бир савол бўйича келтириладиган экспертизанинг фикри Қонуннинг ва ушбу Қоидаларнинг низомларини келтирган ҳолда асосланган бўлиши лозим.

87. Экспертизанинг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар ушбу Қоидаларнинг 94-97-бандларига мувофиқ кўриб чиқилади.

88. Талабнома берилгай белгининг экспертизасининг сўровномасига жавоб қайтарилмаганда, талабнома берувчи томонидан жавоб қайтаришнинг белгиланган муддати бузилганда ва ушбу муддатларда уни узайтириш ҳақидаги илтимоснома тақдим этилмаганда, товар келиб чиқсан жой номини ва ундан фойдаланиш ҳукуқини беришни рўйхатдан ўтказишини рад этиш

тўғрисисида қарор ёки ундан фойдаланиши рад этиш тўғрисисида қарор қабул қилинади.

89. Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш хукуқини бериш ҳақидаги қарор талабнома берилган белгини Қонуннинг 5-моддаси билан ўрнатилган талабларга мувофиқлиги аниқланган ҳолда чиқарилади.

90. Аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини бериш ҳақидаги қарор талабнома берилган белгини Қонуннинг 5-моддаси билан ўрнатилган талабларга мувофиқлиги аниқланганда ҳамда ушбу белгини Реестрда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги қайд мавжуд бўлган ҳолда чиқарилади.

91. Товар келиб чиқсан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш хукуқини беришни рад этиш ҳақидаги қарор агар талабнома берилган белгини Қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ўтказилган экспертизаси натижасида Қонуннинг 5-моддасида кўзда тутилган талабларга мос келмаслиги аниқланган ҳолда чиқарилади.

92. Аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини беришни рад этиш ҳақидаги қарор агар талабномада ифодаланган белгини Қонуннинг 13-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ўтказилган экспертизаси натижасида Қонуннинг 5-моддаси ва 6-моддасининг тўртинчи қисмida кўзда тутилган талабларга мос келмаслиги аниқланган ҳамда ушбу белгини Реестрда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги қайд мавжуд бўлган ҳолда чиқарилади.

93. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ва аввал рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хукуқини беришни рад этиш ҳақидаги қарорда ушбу қарорни чиқаришга асос бўлган сабаблар келтирилади.

## 18-§. Қўшимча материалларни текшириш

94. Патент идорасининг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан қўшимча материал тақдим этилган ҳолда уларнинг тақдим этишга белгиланган муддатларга риоя қилинганлиги текширилади.

Кўрсатилган материаллар Қонуннинг 13-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчига сўровнома юборилган санадан бошлаб уч ой давомида тақдим этилиши лозим.

95. Талабнома берувчи томонидан Патент идорасининг сўровномаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра қўшимча материаллар келиб тушган ва кўриб чиқишига қабул қилинган ҳолда, улар талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади.

96. Агар қўшимча материаллар қўйидагиларни ўз ичитга олса, талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади:

а) ваколатли идоранинг хulosасига биноан ушбу товар эга бўлмаган хусусиятларни кўрсатиш;

6) агар талабномада ифодаланган белги товар келиб чиқсан жой номи мүлжалланган товарнинг номини ўз ичига олса, бошқа товар(лар)ни кўрсатиш;

в) талабнома берилган белгининг ўзгартирилиши ва тўлдирилиши;  
б) товарлар рўйхатини кенгайиши.

97. Кўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартирали деб эътироф қилинган ҳолда талабнома берувчига экспертизанинг шундай хуоса чиқариши учун кўшимча материалларга киритилган қайси маълумотлар асос бўлганилти хабар берилади. Бошқа маълумотлар экспертизани ўтказишда ҳисобга олинади.

Товар келиб чиққан жой номинни ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришин рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қонилаларига  
1-илова

Келиш санаси	Кириш рақами №	Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами № 1-илова
Ўзбекистон Республикасида товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга ва рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун <b>ТАЛАБНОМА</b>		Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15 Факс: (99871) 133-45-56; E-mail: info@patent.uz
<b>АРИЗА</b> Талабноманинни ва куйндаги ҳужжатларни тақдим этиб, талабномада кўрсатилган белгини товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилишинига ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришингизни сўрайман.		
Талабнома берувчи		
(юридик шахснинг низом бўйича тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади)		КТУТ бўйича ташкилот коди (агар аниқланган бўлса)
Талабнома берувчининг манзили		БИМТ ST 3 стандарти бўйича мамла- кат коди (агар аниқланган бўлса)
Телефон:	Факс:	E-mail:
Езишмалар учун манзил (хат олувчининг тўлиқ почта манзили, тўлиқ исми ёки номланиши)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Патент вакили (тўлиқ исми, рўйхатта олинган рақами)		
Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Талабнома берилаштган белги (бош ҳарфлар билан ёзилсин)		
Товар турни ёки аниқ товар		

Товарнинг алоҳида ҳусусиятларининг таърифи

Ишлаб чиқарилавёттан жойи (географик объектининг чегаралари кўрсатилган ҳолда)

Илова қилинаётган ҳужжатларининг рўйхати	Сони варақ I нусхада	Нусхалар сони
<input type="checkbox"/> белгиланган миқдордаги бож тўланганлиги ҳақида ҳужжат <input type="checkbox"/> ваколатли идоранинг хуносаси <input type="checkbox"/> талабномага илова қилинаётган ҳужжатларининг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси <input type="checkbox"/> патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишонч қоғози <input type="checkbox"/> бошқа ҳужжат (кўрсатилсин)		

Имзо

Талабнома берувчи ёки патент вакилининг имзоси; имзо санаси (юридик шахс номидан имзоланганди, раҳбар имзоси муҳр билан тасдиқланади)

Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиши қондадарига 2-илова

Келиш санаси	Кириш рақами №	Далат рўйхатидан ўтказилган рақами№
Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун <b>ТАЛАБНОМА</b>	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 700047, ошкент шахри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15 Факс: (99871) 133-45-56; E-mail: info@patent.uz	
<b>АРИЗА</b> Талабномани ва қўйидаги ҳужжатларни таъдим этиб, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бернишингизни сўрайман.		
Талабнома берувчи	КТУТ бўйича ташкилот коди (агар аниқланган бўлса)	
(юридик шахснинг низом бўйича тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг исми, фамилияси ва отасининг исми кўрсатилади)	БИМТ ST 3 стандарти бўйича мамлаҳат коди (агар аниқланган бўлса)	
Талабнома берувчининг манзили		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Езисмалар учун манзил (хат олувчининг тўлиқ почта манзили, тўлиқ исми ёки номланиши)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Патент вакили (тўлиқ исми, рўйхатга олинган рақами)		
Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Талабнома бериладиган белги (бош ҳарфлар билан ёзилсин)		
Товар тури ёки аниқ товар		

Товарнинг алоҳида хусусиятларининг таърифи

Ишлаб чиқарилгаётган жойи (географик объектнинг чегаралари кўрсатилган ҳолда)

Илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати	Сони варак 1 нусхада	Нусхалар сони
<input type="checkbox"/> белгиланган миқдордаги бож тўлангани лиги ҳақида ҳужжат  <input type="checkbox"/> ваколатли идоранинг хуносаси  <input type="checkbox"/> талабномага илова қилинаётган ҳуж- жатларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси  <input type="checkbox"/> патент вакилининг ваколатларини тас- диқловчи ишонч қозони  <input type="checkbox"/> бошқа ҳужжат (кўрсатилсин)		

Имзо

Талабнома берувчи ёки патент вакилининг имзоси; имзо санаси (юридик шахсномидан  
имзоланганди, раҳбар имзоси муҳр билан тасдиқланади)

Товар келиб чиқкан жой номиди ва товар келиб чиқкан жой номидан фойдаланиш хуқуқини берниши рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиши, топшириши ва кўриб чиқиши қоидаларига 3-илова

УРДПИга келган санаси (УРДПИда тўлдирилади)	Кириш рақами № Узбекистон Республикаси Даълат патент идорасига 700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15 Факс: (99871) 133-45-56; E-mail: info@patent.uz		
<b>ТАЛАБНОМА БЕРУВЧИННИГ НОМЛАНИШИИ ВА/ЁКИ МАНЗИЛИГА ЎЗГАРТИРИШ(ЛАР) КИРИТИШ ҲАҚИДА АРИЗА</b>			
Ушбу аризани тақдим этган ҳолда Талабнома материалларидағи талабнома берувчининг номланишиига ва/ёки манзилига ўзгартришилар киритишингизни сўрайман.			
Талабнома рақами №			
Талабнома топширилган сана			
Талабнома берувчи			
Патент вакили (тўлиқ номи, қайд этилган рақами)			
Езишмалар учун монзил (тўлиқ почта манзили, нома олувчининг исми ёки номланиши)			
Телефон:	Факс:	E-mail:	
Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)			
Телефон:	Факс:	E-mail:	
Ўзгартриш(лар). Ўзгартрилиши керак бўлган маълумотлар  Ўзгартрилган кўринишдаги маълумотлар:  <input type="checkbox"/> давоминни алоҳида варакда кўринг  <input type="checkbox"/> Аризага илова(лар): <input type="checkbox"/> белгиланган миқдордаги патент бози тўланганлиги ҳақидаги хулюқат <input type="checkbox"/> давом этириш учун вараклар <input type="checkbox"/> бошқа хужжатлар (кўрсатилсан)		иусхалар сони	бетлар сони.
Имзо			
Талабнома берувчининг ёки патент вакилининг имзоси; имзоланиш санаси (юридик шахс номидан имзоланганда раҳбарнинг имзоси муҳр билан тасдиқланади)			

Товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беринши рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва қўриб чиқиш қондадарига 4-илова

ЎРДПИга келган санаси  (ЎРДПИда тўлдирилди)	Кириш рақами №  ҲАТОНИ(ҲАТОЛАРНИ) ТУЗАТИШ ҲАҚИДА АРИЗА	
<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига 700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси, 2а уй Тел.: (99871) 132-00-13, 132-00-15 Факс: (99871) 133-45-56; E-mail: info@patent.uz</p> <p>Ушбу аризани тақдим этган ҳолда Талабнома материалларидағи хатога (ҳатоларга) тузатиш(лар) киритишингизни сўрайман.</p>		
Талабнома рақами №		
Талабнома топширилган сана		
Талабнома берувчи		
Патент вакили (тўлиқ номи, қайд этилган рақами)		
Езишмалар учун манзил (тўлиқ почта манзили, нома олувчининг исми ёки номланиши)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Патент вакилининг манзили (тўлиқ почта манзили)		
Телефон:	Факс:	E-mail:
Хато(лар) ва тузатиш(лар) Тузатилиши керак бўлган маълумотлар		
Тузатилган кўринишдаги маълумотлар:		
<input type="checkbox"/> давомини алоҳида варажда кўринг  <input type="checkbox"/> Аризага илова(лар) <input type="checkbox"/> давом эттириш учун варақлар <input type="checkbox"/> бошқа ҳумокатлар (кўрсатилсан)		
		нусхалар сони
		бетлар сони

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

14 октябрь 2002 йил  
357-сон  
Тошкент ш.

## Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 14 июндаги 209-сонли қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

### 1. Куйидагилар:

Патент божлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Патент божлари ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белтилансинки, иш юритилиши тутгалланмаган ихтиrolар ва саноат намуналарига дастлабки патентлар беришга талабномалар, шунингдек амал қилиш муддати тамом бўлмаган ихтиrolар ёки саноат намуналарига дастлабки патентлар «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири кучта кирган кундан бошлаб олти ой мобайнида тегишли патент божлари тўланган тақдирда талабнома берувчи ёки патент эгасининг илтимосига кўра патент бериш учун талабномаларга айлантирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўtkazilganchligi учун ундириладиган рўйхатга олиш йигимларининг миқдорлари тўғрисида» 1995 йил 21 августдаги 331-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 8-сон, 30-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йигимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсун.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўзининг идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари X.C. Кароматов ва Р.C. Азимов зиммасига юклансун.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари

Y. Султонов

Вазирлар Мажкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги  
357-сон қарорига  
I-илова

## Патент божлари тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом ихтиrolар, фойдалы моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини ҳукукӣ муҳофаза қилиш, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиқсан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари (бундан буён матнда «бож» деб юритилади) тўлаш тартибини, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш, божларнинг миқдорларини камайтириш ёки қайтариш асосларини белгилаб беради.

2. Бож Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (бундан буён матнда «Патент идораси» деб юритилади) ҳисоб рақамларига тегиши суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади ҳамда тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

3. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатда талабнома ёки патентнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, унинг учун бож тўланган ҳаракатга доир гувоҳнома ва унинг номи бўлиши керак. Агар талабномага рўйхатдан ўтказиш рақами ҳали берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатда унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдалы модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиқсан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг номлари, шунингдек биринчи муаллифнинг фамилияси ёки талабнома берувчининг номи бўлиши керак. Патент идораси кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлиdir.

4. Тўланган божнинг миқдори белгиланган бож миқдорига мувофиқлиги бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санада қараб аниқланади.

5. Ихтиrolар, фойдалы моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиқсан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари ҳукукӣ муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда юридик аҳамиятли хатти-ҳаракат содир этилмайди.

6. Агар давлат экспертизаси ўтказилганлиги учун талабномага доир бож ёки ихтиrolар, фойдалы моделлар гуруҳига, саноат намунаси варианtlariga талабнома берилганлиги ва экспертиза ўтказилганлиги учун божнинг

белгиланган миқдоридан кам миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза талабнома берувчи томонидан танланган, ёхуд бундай танлов мавжуд бўлмаганда, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб кўрсатилганва улар учун бож тўланган ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намунаси варианtlарига нисбатан ўтказилиди.

Агар товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига талабнома берилганлиги ва давлат экспертизасидан ўтказилганлиги учун божнинг белгиланган миқдоридан кам миқдорда талабномага доир бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза Товарлар ва хизматлар ҳалқаро таснифининг талабнома берувчи томонидан танланган ва улар учун бож тўланган белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун синфларига нисбатан ўтказилади.

Талабнома берувчи Патент идораси томонидан етишмайтган бож қўшимча равища тўланиши тўғрисида билдиришнома юборилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида зарур суммани тўлаш хукуқига эга бўлади.

7. Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида муҳофаза ҳужжати рўйхатдан ўтказилганлиги, зълон қилинганлиги ва берилганлиги учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда ушбу тартиботлар амалга оширилмайди. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиб ўтилган уч ойлик муддат тамом бўлган кундан бошлаб уч ой мобайнида тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда бож миқдори 50 % га кўпаяди.

8. Тўланган талабнома божи қайтарилимайди.

9. Тўланган бошқа божлар ариза берувчининг – божни тўлаган шахснинг илтимосига кўра божлар белгиланган миқдордан ортиқ миқдорда тўланган ёки унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракат содир этилмаган тақдирда қайтарилиши мумкин.

10. Божнинг ортиқча тўланган суммаси илтимос қилувчи шахснинг илтимосига кўра илтимос берилган санада уларни тўлаш мумкин бўлган бошқа божлар тўланиши ҳисобига ўтказилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент божларини миллий валютада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар божни, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро битимларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, АҚШ долларида ёки АҚШ долларига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилган бошқа эркин муюмиладаги валютада тўлайдилар.

12. Божларни қайтаришга доир банк хизматларига бож тўлаган шахс ҳисобидан ҳақ тўланади.

13. Жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар, яшаш жойидан қатъий назар, божларнинг белгиланган миқдорининг 25 фоизини тўлайдилар.

14. Нотижорат ташкилотлар жойлашган жойидан қатъий назар божларнинг белгиланган миқдорининг 30 фоизини тұлайдилар.

15. Кичик корхоналар (корхоналар типлари классификаторининг асосий схемаси бўйича) жойлашган жойидан қатъий назар божларнинг белгиланган миқдорининг 50 фоизини тұлайдилар.

16. 13, 14 ва 15-бандларда кўрсатилган талабнома берувчиларнинг мақоми талабнома берувчилар тегишли равишда жойлашган мамлакат (яшаш жойи) қонунчилити бўйича аниқланади.

13, 14 ва 15-бандлар қоидалари, шунингдек, агар барча талабнома берувчилар ушбу бандларда кўрсатилган шахсларнинг бирор-бир тоифасига тегишли бўлган тақдирда, талабнома берувчилар гурухига нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар гурухнинг талабнома берувчилари шахсларнинг ҳар хил тоифаларига тегишли бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири учун назарда тутилган ставкаларнинг энг юқориси қўлланилади.

Бож миқдори камайтирилиши ҳукуқига эга бўлган талабнома берувчилар ушбу ҳукуқни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этадилар.

17. Ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳукуқий эгалари ҳисобланган II ва III гуруҳ ногиронлар, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар божни Патент божлари ставкаларининг 1.1-1.3, 2.1-2.3, 4.1, 4.2, 5.1, 5.2-бандларида назарда тутилган божларнинг 12,5 фоизи миқдорида тұлайдилар.

Ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган ёки ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига муҳофаза ҳужжатининг ягона ҳукуқий эгалари ҳисобланган 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гуруҳ ногиронлари бож тўлашдан озод қилинадилар.

Мазкур бандда назарда тутилган бож миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш талабнома берувчининг, муҳофаза ҳужжати эгасининг илтимосига кўра берилади ва қуйилаги ҳужжатларнинг нусхалари бунга асос ҳисобланади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси;

уруш йиллари фронт ортида ишлаганлик (ёки хизмат қилганлик) учун берилган гувоҳнома;

мөхнат қобилиятынинг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссиясининг маълумотномаси;

таълим муассасаси томонидан берилган ҳужжат.

18. Лицензия шартномаси, муҳофаза ҳужжатини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома тузилган тақдирда бож миқдорини камайтириш назарда тутилмайди.

**Товар келиб чиққан жой номларига  
хуқуқий муҳофаза бериш ва товар келиб чиққан жой номидан  
фойдаланиш хуқуқини олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган  
патент божлари ставкаларидан кўчирма**

1. Талабнома бериш учун божлар					
1.1	Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга ва ундан фойдаланиш хуқуқини беришга, рўйхатдан ўтказилган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хуқуқини беришга талабнома бериш ва давлат экспертизасини ўтказиш	20	600	Талабнома бериш билан бир вақтда	
2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномаларни бериш					
2.1	Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш	3	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида	
2.2	Товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	1	84		
2.3	Гувоҳнома бериш	3	250		

**3. Гувоҳномаларнинг амал қилишини сақлаш учун божлар**

3.1	Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун	20	600	Биринчи йил учун – рўйхатдан ўтказиш, зълон қилиш ва гувоҳнома бериш учун бож тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун – гувоҳноманинг амал қилиш муддати туғагунгача охирги уч ой мобайнида
3.2	Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг б ойлик муддатни тақдим этилиши учун кўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Муддатни узайтириши тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда

**4. Ўзгартришлар киритиш**

4.1	Давлат экспертизасининг қарори чиққунгача талабнома берувчининг ташаббусига кўра товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишига талабномага тузатишлар, кўшимчалар ва аниқликлар киритиш	2,5	210	Ўзгартришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
4.2	Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи гувоҳномасига ўзгартришлар киритиш	5	420	

**5. Экспертиза сўрови бўйича ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ва тиклаш**

5.1	Товар келиб чиққан жой номларига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ой учун	1	84	Узайтириши тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
6.2	Товар келиб чиққан жой номларига талабномалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш	3	250	Тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда

## Мундарижа

Сўз боши.....	3
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида.....	5
Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (кўчирма).....	6
Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» .....	7
Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини беришни рўйхатдан ўtkазишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари .....	23
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида.....	49
Патент божлари тўғрисида Низом.....	50
Товар келиб чиққан жой номларига ҳукукий муҳофаза бериш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳукуқини бўлиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон Қарорига 2-иловасидан олинган патент божлари ставкаларидан кўчирма.....	53

Мұқаррир  
Тех. мұқаррир  
Макет учун масъул

Тухтаев М.Ә.  
Эргашева М.Р.  
Валаева Г.С.

Босишга рұксат этилди 23.01.2003. Қоғоз бичими 60x841/16.  
Офсет қоғози. Ҳажми 3,5 б.т. Шартли босма табоқ 3,26  
Шартли бүйек нұсқаси 3,37. Адади 50. Келишилгандарда.

«PATENT-PRESS» TEZKOR NASHR QILISH MARKAZI SHO'BA  
KORXONASIда чоп этилган.  
7000047, Тошкент, Тўйтепа кўчаси, 2а-уй.

